



## QAROR

йил «I» ноябрь

№ I40-Қ

Ташкилот, корхона ва муассасаларга  
ер ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23 моддасига асосан,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги ПҚ-1167  
сонли “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид  
кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 11 январдаги 02-17-119  
сонли йиғилиш баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят  
туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини  
кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил 20 октябрдаги 03/2-  
1238-сонли йиғилиш баёнини инобатга олиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш)  
масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг 2010 йил  
20 октябрдаги 03/2-1238-сонли йиғилиш баёни иловага мувофиқ  
тасдиqlансин.

2. Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (М.Рустамов), вилоят Ер  
ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (И.Хамраев)га ушбу йиғилиш  
баёни иловасида кўрсатилган туманлар ва хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик  
маҳсулотлари етиштириш, сотиш ҳажмлари, экинларни жойлаштириш ва ер  
тўғрисидаги ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш  
киритиш топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят хокимининг  
ўринбосари А.Нурқулов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ў.Барноев